# ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК САБОҒИ

Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш вазифаси бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Президент Ислом Каримовнинг ушбу долзарб масалани ҳал этиш йўллари кенг очиб берилган "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" асари мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шу боис асар юртимиз ҳарбийлари томонидан катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ва қоровул қўшинларида Президентимизнинг мазкур асарида миллий армия салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Йиғилишда Ички ва қоровул қўшинларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириб, аскарларни азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, муқаддас заминимизга садоқатли ва муносиб фарзанд бўлишлари борасида қилиниши лозим бўлган масалалар хусусида мулоҳазалар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



Бугун мамлакатимизнинг истеъмол бозорларида "Кофра" қўшма корхонаси пойабзалларига талаб юқори. Сабаби, ушбу маҳсулотларнинг нафақат арзон, балки сифатлилигида. Гарчанд ўзбек-француз ҳамкорлиги меваси ҳисобланган ушбу корхона ташкил топганига унча кўп вақт бўлмаган бўлса-да, унинг маҳсулотлари тез орада эл назарига тушди. Ҳозирда "Кофра"да нафақат эркакларнинг, балки аёллар ва болалар пойабзаллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

**СУРАТДА:** ***корхонанинг илғор ишчиси Шамсиддин Алиматов иш устида.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЯКУН. ТАҲЛИЛ. ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Сурхондарё

Термизда 2002 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маърузачи ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайганини, маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатларига оид режалари бажарилганини, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқ истеъмоли молларини етиштиришда бир мунча ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги муайян тадбирлар амалга оширилган. Бироқ, йилдан-йилга ўтиб келаётган камчиликлар ҳам оз эмас. Аксарият корхоналар тўла қувват билан ишлай олмаяпти. Халқ истеъмоли молларининг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бир талай саноат корхоналари ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш талабларидан орқада қолмоқда.

Шеробод, Бандихон, Термиз туманларида пахтачиликдан олинаётган самара пастлиги, мева, узум етиштириш олдинги йилдагидан камайиб кетганлиги, бу соҳадаги экспорт имкониятларидан фойдаланилмаётганлиги айтилди. Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалигида чорвачилик соҳаси оқсаётганлиги ҳам таъкидланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. Ғаниев иштирок этди ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга доир фикр-мулоҳазаларини билдирди.

## Қашқадарё

Ўтган йили қашқадарёлик миришкорлар ғалла ва пахта тайёрлаш йиллик шартнома-режаларини муваффақиятли адо этди. Аммо саноат ва капитал қурилиш соҳасида жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмади. Йигирма бир корхона белгиланганидан анча кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳрисабз ароқ-шароб заводи, "Мевалар камалаги" қўшма корхонаси, "Қаштекс" ҳиссадорлик жамияти омборларида маҳсулот йиғилиб қолган. Тўрт корхона банкротга учради.

Айниқса, қурилиш соҳасидаги ишлар бугунги талабга мутлақо жавоб бермайди. Тендер савдолари номигагина ўтказилган. Қурилиш маҳсулотлари фақат воситачи фирмалар орқали олинган. Қатор пудратчи ташкилотлар фаолиятида молиявий қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев бошқарган фаоллар йиғилишда халқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва камчиликлар кенг таҳлил қилинди. Айниқса, кадрлар танлаш ва тарбиялаш борасида йўл қўйилган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Қисқа вақт ичида вилоятда етмиш фоиз кадр алмаштирилгани муаммонинг нечоғлиқ жиддийлигини кўрсатади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, уларни қайтармаслик чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов иштирок этди.

## Хоразм

Урганчда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ вилоят халқ депутатлари Кенгашининг ўнинчи сессиясида Хоразм вилоятининг 2002 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2003 йилда бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими И.Бобожонов маърузасида ҳамда сессия қатнашчилари чиқишларида таъкидланганидек, ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўтган йилда вилоят халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида салмоқли ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Чунончи, вилоятда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ўтган йилга нисбатан 3 фоизга кўпайди, кичик ва ўрта бизнес салмоғи сезиларли ортди. Бу вақт ичида иқтисодиётга 41 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда чет эл инвестициялари жалб қилинди, чет эллик ҳамкорлар иштирокида 7 та қўшма корхона ташкил этилди.

Сессияда қайд этилганидек, ушбу ютуқлар қаторида бозор ислоҳотларини ўтказишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар ва хатолар кўзга ташланмоқда. Чунончи, йил якунларига кўра, вилоятдаги 67 та корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Улардан 40 таси умумий миқдорда 2,7 миллиард сўмлик зарар кўрган. Айни пайтда омборларда сотилмаган маҳсулот тўпланиб қолган. Кўпчилик корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишга солинмаётгани, иқтисодий корхоналар ва хўжалик раҳбарлари бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари ва талаблари асосида иш юритишда сусткашликка йўл қўяётгани шундай вазиятлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

**ЎзА ва «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# АЧАОБОД ҲАЛИ ОБОД БЎЛАДИ

**Обод маҳалла – бизнинг маҳалла**

Икки ёнма-ён жойлашган маҳалла. Иккаласиям Тошкентнинг энг кўҳна ҳудудларидан. Уларни янги тушган Сағбон кўчаси бирлаштиради. 5-6 йил бурун бу қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтсангиз, кўлмак суви, кўмир, кул уюмлари оралаб, эҳтиётланиб қадам босар эдингиз. Энди эса кенг, равон Сағбон кўчасидан икки томонлама транспорт қатнайди.

Гузарбоши маҳалласи фуқаролар йиғини ғиштин, шинам бинода жойлашган экан. Қўшни Ачаобод маҳалласининг идораси ғарибрoқ, бўёқлари кўчай деб турган иморат.

— Ҳожи ака, (атрофдагилар у кишини шундай атади) нима сабабдан Гузарбошида ободончилик юқори даражада? — деб сўрадим маҳалла оқсоқолидан.

— Энди, опа, — кўзларини ерга қадаб гап бошлади оқсоқол, — бизда косиб, чопондўз, заргар, сартарош сингари 8 хилдаги касб-ҳунар бўйича ишлаётганлар кўп. Гузарда супермаркет, дўкон,ошхона, сартарошхона, пойабзал, телевизор тузатиш устахоналари,ҳатто ўзимизга хизмат қилувчи омонат кассамиз бор. Уларга жойни гузар ажратган. Шу боис маҳалла фондига маълум фоиз маблағ тушиб туради. Ҳозир фондимизда қарийб 2 миллион сўм маблағимиз бор. Гузар мажмуасини 1995 йилда шаҳар ҳокимияти тиклаган.

Ҳа, гап бу ёқда экан, ўйлайман ўзимча. Маҳаллада омилкор ишбилармонлар кўп экан. Деворда осиғлиқ қоғоздаги ёзув фикримни тасдиқлайди: Собир Раҳимов туманидаги энг тадбиркор оқсоқол деб Гузарбоши маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев топилди. «2002 йил»

Баъзи бир маълумотларни ёзиб олдим.

— Сизни нима кўпроқ қийнайди?

У кишининг қалин қошлари чимирилди.

— Нима хурсанд қилади денг, опа. Мени ўн карра, юз карра хурсанд қилгани, қандай аҳволда эдигу, қандай бўлдик? Бу фарқни биргина маҳалланинг бугунги қиёфасига қараб дарҳол сезасиз. Шу кунларга етказганига шукур. Мени қийнайдиган нарса шуки, одамларимиз орасида лоқайдроқ, бефарқроқ кишиларнинг борлиги. Қўшнисиникида жанжал чиқса, томошабин бўлса, бўладики, ўртага тушиб, оқни оқ, қорани қора деёлмайди. Узоқ йиллар бизни шундай тарбиялаган тузум ўтмаслаштириб қўйганимикан дейман...

* * *

Ачаобод маҳалла фуқаролар йиғини идораси одам билан гавжум. Фотимахон Холмирзаева тўйларни ихчамлаштириш бўйича тадбирлар рўйхатини ўқиб эшиттираётган экан. Раис тўй, маърака, ҳайит маросимларини ихчам, камхарж ўтказишда бош-қош бўладиган фаолларга алоҳида кўрсатмалар берди.

Хайрулла Ҳикматов 55 ёшларда. Куйди-пишди одам. «Қани эди, имконим бўлганида 25 нафар камхарж оиланинг белига қувват бўла олсам. Чинни ҳамда металлни қайта ишлаш заводлари яқин бўлгани боис, аҳолимизнинг кўпчилиги ишчилар. Новвойлар, усталар ҳам бор, аммо улар ҳали тадбиркорликда энди оёққа туришаяпти. Илёс ака деган бир дўкондоримиз бор. Ўтган ҳайитда 5-6 нафар оилага ул-булни шу киши ёрдамида топширган эдик. Бу ҳайитда ҳам шундай қилдик.»

Маҳалла оқсоқоли бир йил муддат ичида шаҳар ва туман ҳокимиятининг қўллаб-қувватлаши натижасида маҳаллада оқава сувлар тармоғини тиклаган, йўлларга асфальт ётқизган, ҳашар йўли билан маҳаллани ободонлаштирган. Шу йили амнистия туфайли уйига қайтиб, шифохонада соғлиғини тиклаётган йигит билан бугун суҳбатлашиб келибди. Маҳаллага ким кириб-чиқаяпти, кимникида қандай йиғин-тадбирлар бўлаяпти — кузатиб боришни 12 нафар посбон, 10 нафар кўчабошилар зиммасига қатъий қўйди, назоратга олди. Бу маҳаллада 520 оила, 380 та хонадон бор.

Иккала маҳалла ҳам ёзда бир хил ниятни амалга оширмоқчи. Ўз ҳудудларида болалар спорт майдончаси қуришмоқчи. Биринчисида — тиклаш учун куч, маблағ бор. Иккинчиси — фаоллар ва ҳашар кучидан фойдаланмоқчи. Болалар билан шуғулланувчи тарбиячи, спорт мураббийсини ҳам топишди. Унга маош ажратишда ҳам, албатта, бир йўлини топамиз, дейди ишонч билан Хайрулла ака.

Бу маҳалла аҳли аёллари ҳам ёзда бир ишни бошлашмоқчи. Аёлларнинг аксарияти уй бекалари. Улар лотин ёзувини ўрганишмоқчи. Шу соҳада дастур яратган олималардан бири маҳаллада яшайди. Аёлларга лотин тили ўргатилса, болалари билан шуғулланишлари осонроқ кечади.

— Ҳовлингиз қаршисида кўп қаватли, жудаям таъмирга муҳтож, эски бинога кўзим тушди. У қандай бино? — сўрайман раисдан.

— Ишонсангиз, шу бинони кечалари чиқиб кузатаман. У собиқ 139-мактаб биноси. Бир неча йилдан буён бўш. Бирор эгаси чиқса, биз ҳам тинчирдик. Чунки беэга, қаровсиз жойларда нохуш воқеалар содир бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

—Нима учун маҳаллани Ачаобод деб аташади?

— Бу ерларда анча йиллар муқаддам ажойиб воқеалар содир бўлган, қизим,— дейди маҳалланинг собиқ оқсоқоли, 80 ёшлардаги жиккак, бўйчан отахон Низом Олимов.— Биз бола эдик, отамиз ҳикоя қилиб берарди...

* * *

Бирор манбада қайд этилмаган, Ачаобод тарихи билан боғлиқ халқ орасидаги ривоят тафсилоти қуйидагича экан:

Бундан юз йиллар аввал Қўқондан йўлга чиққан карвон Тошкентнинг «Сағбон» дарвозаси атрофида қўним топади. Карвон эгалари Қўқонда ном чиқарган ака-ука Эгамберди ва Тошпўлат дорбозлар эди. Уларни мусофир юртларга бошлаган сабаб битта — орият бўлган. Дор ўйинларидан бирида, кўп минг кишилик халойиқ кўзи ўнгида Эгамберди дорбоз ўз шогирди Мадамин дорбозга ютқазиб қўйди. Одатга кўра устоз майдонни тарк этиши — уни шогирдига қолдириши лозим эди. Ғурури баланд ака-укаларни она ёлғиз қўймасдан, уларга эргашади ва Тошкентнинг «Сағбон» дарвозасига яқин яланг ерларда қўналға тиклашни маслаҳат беради. Ака-укалар ўз маҳоратларини маҳаллий халққа намойиш этиб, эътибор топадилар. Дорбозларнинг довруғи бу ёғи Қозоғистон томонларигача етади. Ўйинларни қизиқиб кузатаётган халқ ака-укаларни қоплаб дон-дун билан сийлайдилар. Она бу ердаги булоқ кўзини очтириб, атрофига сўрилар қўйдириб, обод қилади. Тошкентга келиб-кетувчи мусофирларга астойдил хизмат кўрсатади. Халқ онани ҳурматлаб, Ача деб атайди. Бу орада Эгамберди ўғлидан невара кўрган Ача унга Тошкентбой деб исм қўяди. Буни қарангки, дор устида кўзини юмиб ўйнайдиган Тошкентбой 18 ёшга етганда, ота юрти Қўқон халқига ўз санъатини намойиш этади. Йигитча устун келган рақиблардан бири отасини бир вақтлар мағлуб этган Мадамин дорбоз эди.

Бу ҳам майли, гапни Эгамберди дорбознинг укаси Тошпўлат дорбоздан эшитинг. Катта майдонда баланд дор тикланган. Арқон узра дорбознинг 12 яшар ўғли пилдирайди. Бола тек турганча гоҳ олдинга, гоҳ орқага, оёқлари ҳолатини алмаштириб чопқиллайди. Дўмбира овозлари гумбурлайди. Баъзан у пасайиб, «Ҳа, яшанг, ўғлим!», «Ҳа, балэ!» деган ота хитоблари майдонни тутиб кетади.

Шу пайт бирдан оломон ҳайқириб юборди. Отанинг назарида ҳайқириқ саси Тошкентнинг нариги дарвозаларига қадар етди. Ҳамманинг нигоҳи осмондан ерга қадалди. Бола ерга қорни билан қулаган, оғзидан қон оқарди. Тошпўлат дорбоз югуриб келиб, ўғлининг бўйин томирини ушлади. Терга ботган иссиқ бўйинда томир уруши сезилмас эди. Полвон осмонга қараб ўкирмоқчи бўлди. Боши узра дор силкиниб турар, одамлар қотиб қолган эдилар. Бир аёл югуриб келиб, болани ўнглашларини буюрди, оқ рўмоли билан юзидаги қон юқларини артиб, очиқ қолган кўзларини юмди. Ҳар томондан «дорбоз, оғир бўлинг», деган сўзлар эшитилди.

Тошпўлат дорбоз бирдан ўзига келди. Дор ўйинининг энг авжи — чиғириқ қисми тугалланмай қолиши одатда уста дорбозлар учун иснод эди. Шартта оқ яктагини ечиб, боланинг устига ёпди-да, дўмбирачига «чал» ишорасини қилди. Секин тарқалаётган халойиқ дўмбиранинг кескин зарбларидан орқага қайта бошлади. « Яшанг, оғаларим, укаларим, чиғириқсиз дорбозни номард ўйнайди. Тарқаманглар, қани, яқинроқ келинглар! Ҳаҳ-ҳ-ҳ!»— дея шитоб билан дорга кўтарилди у. Ўғли чала қолдирган чиғириқ машқларидан олдин турли ҳаракатлар билан ўзини қиздириб олди. Чиғириқ машқлари дор ўйинларининг энг мураккаб якуний қисми бўлиб, айнан шунда дорбоз маҳорати ва услуби намоён бўларди. Тошпўлат уста вужудига ғайритабиий куч қуйилаётганини ҳис қилар, ҳис қилган сайин тобора ўйинга бериларди. У дўмбирачининг «Яшанг, уста!», «Бале!» ҳайқириқлари остида дордан тушди-да, дор устидаги енгил ва шиддатли ҳаракатларга монанд ерда ётган ўғлининг жасадини даст кўтарди. Ҳаммани жанозага чорлаб, даврани тарк этди. Устанинг юзкўзларидан оқаётган терми ёки кўз ёшлари, илғаб бўлмасди. Одамлар қўқонлик мард дорбозларнинг бу чиқишларини узоқ йиллар сўзлаб юрдилар.

Илк вакили Ачаободда туғилган Тошкенбоев цирк усталари сулоласини бугун бутун дунё танийди.

Баъзан ўйлаб қоласан киши, ватан довруғини одамлар танитадиларми ёки ватан уларнинг довруғини кўтарадими? Ватаннинг барибир Оналиги бор-да, энг аввало, одамларнинг жисму руҳини баланд қилади. Шу нарсани юрак-юракдан туйган инсонларгина ватан довруғини кўтаришга астойдил киришадилар.

Ачаобод ва Гузарбоши маҳаллаларининг бугунги турмушида кеча яшаган аждодларининг назар-нафаси, турмуш тарзи, инсоний қадриятлари сингиган. Уларни бўлак тасаввур этолмайсиз. Қолаверса, Гузарбошидаги ободончилик — касб-ҳунар эгаларининг, тадбиркорларнинг кўплигидан. Ачаобод ҳудудидаги икки завод бу ерда ишчилар қатламининг кўпайишига сабаб бўлгани, меҳнаткаш, кўнгли тоза инсонлари кўплигини аён этди. Бу ерликлар ўз ватанларини кўтаришга қодир одамлардир.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Боғизоғон лимонлари — барчага манзур

Боғизоғонда 6 гектарлик иссиқхона бор. Илгари у хўжалик тасарруфида эди. Ҳозир «Султон-М» фермер хўжалиги ихтиёрида. Хўжалик иссиқхонадан дурустроқ даромад ололмаётгани боис, уни тадбиркорга ижарага берди.

Тадбиркор, тадбирли экан. 4,5 гектарлик лимонзордан бултурнинг ўзида 100 тоннадан ортиқ ҳосил олди. 1,5, гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ялпи ҳосил 30 тоннага етказилди. Олинган даромад 3 миллион сўмдан ошди.

— Иссиқхонани ижарага олганимизда у бутунлай ташландиқ аҳволда эди, — дейди тадбиркор Усмон Султонов. — 100 га яқин ишчиларни ишга жалб этдик. Уларнинг 8 нафари оиламиз аъзолари.

Айни пайтда Боғизоғон лимонлари Тайлоқ туманидагина эмас, Самарқанду Тошкентда ҳам кўпчиликка манзур.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ажаб савдолар**

# БИЗДА ДОЛЛАР БОР, СИЗДА-ЧИ?

Матқосим ўзи тўқиган қўшиғини хиргойи қилиб кетаётган эди рўпарасидан бир барзанги йигит чиқди. Тилла тишли оғзидан тутун пуркаб деди:

— Доллар бўлса оламиз, хоҳласангиз сотамиз.

Матқосим оғиз жуфтлаб улгурмай, атрофини ширинликка ёпишган пашшадай бир гала йигитлар ўраб олди. Бири қўйиб иккинчиси пул савдосини қизитди.

— Ҳозиргина Андижоннинг Янги бозорида 600 долларни 690 минг сўмга алмаштирдим, сизга нима керак, ака? — кўзлари атрофни олазарак кезди Асадбек Турсунов билан Ўткирбек Эргашевнинг. — Қанча керак бўлса шунча топиб берамиз, тортинманг.

— Марказий деҳқон бозорида Раззоқов деган танишимга 500 долларни 600 мингга сотдим, — кафтларини кафтига ишқалади Зафар Тожибоев, — бизда доллар бор, сизда-чи?

— Менда ҳеч вақо йўқ, — чўрт кесди Матқосим. — Оёғимнинг чигалини бир ёзиб келай деб шаҳарга тушгандим, холос.

— Камтарлик қилманг биродар, бу ерни бозор деб қўйибдилар. Пулингиз ёки бўлмаса чет эл валютасидан бордирки, шу ерга келгансиз, — луқма ташлади асакалик Мадраим Шарипов. — Ҳамсоям Баҳодир Ғоиповминан 500 долларни 700.000га айирбошлаб Андижоннинг Эски шаҳар бозорига келдик. Сизга ўхшаганларнинг ҳожатини чиқарамиз деб юрибмиз билсангиз.

— Тавба, — ёқасини ушлади Матқосим, — пулни пулга сотишларини энди кўришим. Манави давангирдай йигитлар пул сотиб кун кечиришар экан-а? Наҳотки уларнинг танобини тортиб қўядиганлар топилмаса!

Матқосимнинг ҳайратланганича бор. Нафс қўйига кирган бир гуруҳ кимсалар пулни пулга уриштириш йўли билан Андижон шаҳрининг Эски, Янги шаҳри бозорлари ҳамда «Жаҳон бозори» ҳудудида «Қора бозор» ташкил этиб олганларига анча бўлди. Ўша кимсалар ёнидан ўтгудай бўлсангиз ҳоли жонингизга қўйишмайди. Миллий валютамизни қадрсизлантириш ҳисобига хориж пулларини тиқиштиришдан ҳайиқмаётган ана шу шоввозлар амалдаги тартиб-қоидаларга мутлақо риоя этмаётирлар. Тўғри, ҳуқуқ-тартибот маҳкамасидагилар уларнинг фаолиятига чек қўйиш учун курашмоқда. Бироқ бу кураш изчил олиб борилмаяпти. Бу эса «Қора бозор»нинг кунда-шундаларига қўл келаётир.

Нодирбек Мўминов билан иш жойининг тайини бўлмаган Дилмурод Комиловлар қонунга хилоф равишда валюталарни муомалага киритиб, фуқаро Ш.Мелибоевга 400 АҚШ долларини 560.000 сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди. Баҳодир Абдураҳмонов билан Содиқжон Қодировлар ҳам пулфурушликни касб қилиб олганлардан. Бу икки олғир 600 АҚШ долларини Тўлқин Қамбаров деган фуқарога 906.000 сўмга алмаштираётганида ушланди. «ЎзТонгХонг Ко» қўшма корхонасида туппа-тузук ишлаб келаётган Зоҳиджон Исомиддинов билан Абдукарим Мирзаевлар-чи? Улар Жанубий Кореяга малака оширишга юборилаётган 9 нафар ишчиларга берилган 2700 долларни сотиб олиб фойда олиш мақсадида «Қора бозор»га олиб чиқдилар. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

— Қирғиз соми, рус рубли, евро, бор, алмаштирамиз. Керакмасми?

Матқосим ёмон туш кўрган одамдай бир сесканиб олди. Бармоқларида узуклар, оғзида тилла тишлар ловуллаётган тўдадан бир илож қилиб чиқди-да, бундай бозорлар қачон тугатилар экан, деб илдам юриб кетди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 25 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 577,31 | 1 Исландия кронаси | 12,28 | 1 Швейцария франки | 705,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1521,66 | 1 Канада доллари | 642,84 | 1 ЕВРО | 1035,73 |
| 1 Дания кронаси | 139,42 | 1 Хитой юани | 116,57 | 10 Жанубий Корея вони | 8,09 |
| 1 БАА дирхами | 262,72 | 1 Малайзия ринггити | 253,96 | 10 Япония иенаси | 81,54 |
| 1 АҚШ доллари | 964,91 | 1 Польша злотийси | 248,72 | 1 Россия рубли | 30,58 |
| 1 Миср фунти | 175,28 | 1 СДР | 1324,82 | 1 Украина гривнаси | 180,87 |
| | | 1000 Туркия лираси | 0,60 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Огоҳлик — давр талаби

Термиз давлат университетида вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни университет ректори, профессор Хидирназар Аллақулов очди. Шундан сўнг талабалар ва тадбир иштирокчилари республика Ички ишлар вазирлиги тергов бўлими бошқармасининг бошлиғи Мурожон Каримовдан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Маълумки, бугунги кунда бирор бир мамлакат йўқки, терроризмдан жабр кўрмаган бўлсин, — деди М. Каримов. — Шу боис ҳам ҳар бир инсон, аввало, зийрак ва ҳушёр бўлмоғи, ўз Ватанини кўз қорачиғдек асрамоғи керак.

Мазкур тадбирда талаба ва ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

**Қудрат ЖЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

Тадқиқот

*Чор Россияси XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёни босқинчилик йўли билан ўзига қўшиб олишидан олдин ва кейин кўплаб рус олимлари ва тадқиқотчилари ўлкамизнинг бошқа минтақалари қатори Фарғона водийсига ҳам келиб, илмий изланишлар олиб боришган. Унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплашган, табиий бойликларини, тупроғи таркибини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, ер ости ва ер усти заҳираларини пухта ўрганишган. Шу тариқа турли фанлар ривожига катта ҳисса қўшишган. Масалан, академик А.Мендендорф ўзининг 1882 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «Фарғона водийси очерклари» номли китобида булоқ сувлари таркибида нефть моддаси мавжудлигини кўрсатган. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1883-1889 йиллардаги ҳисоботларида ҳам Чимён қишлоғи чашмалари таркибида озарбайжон нефти қолдиқларига ўхшаш унсурлар борлиги айтилган.*

# Альфред Нобель Фарғонада бўлганми?

Рус географлари жамиятининг «Осиё хабарлари» журналининг 1883 йилги 3-сонида қизиқ бир мақола босилган. Унда ҳикоя қилинишича, Марғилон бозорини айланиб юрган тупроқшунос инженерлар тасодифан Қўқон арава ғилдиракларига ёпишган алланечук ғалати тупроқни кўриб қоладилар. Сўнгра аравакашни тўхтатиб, қаердан келганини сўраб- суриштирадилар. Аравакаш Чимён қишлоғидан эканлигини айтади. Бироқ ғилдиракларидаги тупроқ қаерда, қачон ёпишгани хусусида ҳеч нарса дея олмайди. Шунда инженер А.Кузнецов ва И.Ковалевский ўзларига ҳамроҳлик қилиб юрган ҳарбий губернатор мулозимларидан бу борада кўмак сўрайдилар. Улар бир кишини чақириб, изига қайтган арава ортидан кузатиб боришни, ғилдиракларда қотиб қолган лой-тупроқнинг асл манбасини билиб келишини буюрадилар. Ёлланган одам топшириқни бажариб келгач, Скобелов (ҳозирги Фарғона) шаҳрининг жануби-ғарбида, 30-35 километр узоқликда жойлашган Чимён қишлоғи ҳудудида суви ёпишқоқ, қорамтир ва ҳидли бир булоқни кўрганини, маҳаллий аҳоли ундан ҳайвонларни чўмилтиришда, от ва бошқа молларнинг қўтири ва яраларини ювишда фойдаланаётганини сўзлаб беради.

XIX аср охирларида янги ерларни суғориш манбаларини излаб топиш эвазига Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш режалаштирилади. Унинг илмий асосларини яратиш ўз таркибига Россиянинг 21 та хусусий тўқимачилик корхонасини бирлаштирган Москва акционерлар компанияси зиммасига юклатилади. Компания вакили А.Кузнецов К.Синявский, Г.Ризенкофмон, И.Александров сингари йирик мутахассисларни сув манбаларини аниқлашга, қурилажак каналлар тарҳини тайёрлашга жалб этади. И.Александров водийнинг шарқи-жанубидан жануби-ғарбига оби-ҳаёт олиб бориш лойиҳасини яратиш жараёнида Қорадарёдан ирмоқланиб, Ўш, Новқат, Қизилқия, Водил, Чимён каби шаҳар-қишлоқлар чегарасидан ўтиб, ғарбга қадар 350 километрга чўзилган канал қуриш ғоясини олға суради. Шу масофа оралиғидаги бир қанча булоқларнинг сув ҳажми ва таркиби ҳақида берган маълумотларида Чимён қишлоғидаги булоқ сувига алоҳида тўхталиб ўтади. У истеъмол учун яроқсизлигини, лекин таркибида нефть унсурлари борлиги сабабли экинларни суғоришда фойдаланиш мумкинлигини, маҳаллий халқ шундай йўл тутиб келаётганини таъкидлайди. Бу ҳақда В.Заорская-Александрова билан биргаликда ёзган «Фарғонада суғоришни ривожлантиришнинг келажаги» (Москва, 1924 й.) китобида янада аниқ маълумотлар келтиради.

Ўрта Осиёда темир йўл қуриш ва уни Фарғона водийсига улаш билан шуғулланган темирйўллар акция жамияти вакили И.Ковалевский ушбу сув таркибидаги нефтни ажратиб олиш ва 20 километр узунликдаги қувурлар орқали Ванновская (ҳозирги Олтиариқ) темирйўл станциясига оқизиб келишни, у келажакда паровозларга ёнилғи, маҳаллий аҳолига чироқ ёқиш учун суюқлик сифатида асқотиши мумкинлигини асослаб берган. Бу маълумотлар бутун Россия аҳлини, жумладан, нефть излаб топиш билан шуғулланувчиларни ҳам қизиқтириб қўйган.

Маълумки, швед ихтирочиси ва саноатчиси Эммануэль Нобель 1842-1859 йилларда Петербургда яшаган. Механика заводи қуриб, ишга туширган. 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши даврида рус армиясини ўз корхонасида тайёрланган миналар билан таъминлаб турган. Унинг 1833 йил 21 октябрда Стокгольмда туғилган кичик ўғли Альфред Бернхард тўққиз ёшида Россияга келади. Балоғатга етгач, Европа бўйлаб узоқ сафарга отланади. Германияда, Францияда, АҚШда яшаб, билим олади. Динамит ва бошқа портловчи моддалар кашфиётчиси, кимёгар-саноатчи, иқтисодчи-амалиётчи бўлиб етишади. 355 та ихтиронинг соҳибига айланади. Отаси Петербургда қурган иншоотни «Людвиг Нобель» (ҳозирги «Русский дезиль») номли йирик машинасозлик заводига айлантиради.

Альфред 1871 йилда отаси ва акаси Роберт билан ҳамкорликда Бокуда нефть саноати корхонаси қуради. Кейинчалик уни акциядорлик корхонаси даражасига кўтаради.

Сулола вакиллари XIX аср охирлари ва XX аср бошларида нефть маҳсулотларини излаб топиш, қайта ишлаш ва технологик жиҳатдан таъминлаш билан тинимсиз шуғулланадилар. Дунёнинг барча қитъаларидаги 25 мамлакатда 90 та компания ва алоҳида корхона, лабораториялар барпо этадилар. Октябрь тўнтаришидан сўнг — 1918 йилда Россиядан Швецияга кетиб қоладилар.

Альфред Нобель 1896 йил 10 декабрда оламдан ўтди. Ўз васиятига кўра, вафотидан кейин қолган сармояси асосида Нобель фонди ташкил этилди. Унга ҳар йили тушадиган даромад бешга бўлиниб, бир қисми физика, кимё, физиология, тиббиёт, иқтисод соҳаларидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқаро дўстликни ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги улкан фаолият учун Нобель мукофоти сифатида ажратиладиган бўлди.

Ҳозир Москва ва Санкт-Петербург, Ўзбекистон Давлат архивларида сақланаётган манбаларга қараганда, Альфред Нобель XIX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиёда нефть борлиги тўғрисида тарқалган хабарларни синчковлик билан кузатиб борган. Махсус вакилларини бир неча бор Фарғона водийсига хизмат сафарига юборган. Ўзи ҳам шахсий маблағи ҳисобига махсус поездда Ўрта Осиёга ва Фарғонага келган. Шу асно Чимёнда ва Ванновская темирйўл станциясида бўлган. Олтиариқдаги нефтни қайта ишловчи дастлабки заводга асос солган. Унга зарур маблағ ажратган. А.Нобелга корхона қуриш, поездда темир қувурлар юбориш, уларни жойлаштириш, нефть Чимёндан Олтиариққача қувурлар орқали оқиб келадиган жойларни аниқлаш, бунинг учун ер ажратиб беришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар Октябрь тўнтаришидан сўнг Санкт-Петербург ва Москва архивларига олиб кетилган.

А.Нобелнинг Фарғонага келиб, Чимёндаги нефть булоғига боргани, унга сармоя ажратиб бергани тўғрисидаги маълумотлар Швецияда Нобеллар тўғрисида чоп этилган китобларда, унинг ўзи ёзиб қолдирган эсдаликларда ҳам учрайди. Бироқ улар ҳозирга қадар ҳеч жойда эълон қилинмаган. Бу муҳим масалани синчиклаб ўрганиш, асослаш ҳамда уни Ўзбекистон ўтмиши билан боғлаш тарихчи олимларимизнинг вазифасидир.

Эндиликда республикамизда миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бас, шундай экан, Альфред Нобелдек буюк инсоннинг юртимиздаги фаолиятига оид маълумотлар чуқурроқ ўрганилса, Фарғонада, хусусан, Чимён ва Олтиариқда жаҳонга машҳур саноатчи олим ҳаёти билан боғлиқ тадбирлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Баннопжон ОТАҚУЛОВ,**
**физика-математика фанлари доктори, профессор.**
**Аҳмадали ҒАФУРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор,**
**Олимжон ҒАФУРОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Вазифасини бажаришга киришди



***Жанубий Кореянинг янги президенти Ро Муи Хен расман лавозимини эгаллади, деб хабар беради. «Ассошейтед Пресс» агентлиги. Шу муносабат билан мамлакат Миллий ассамблеясида бўлиб ўтган маросимда АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ва Япония Бош вазири Жунитиро Коидзуми иштирок этишди.***

***Янги президент ўзининг асосий вазифаси — Шимолий Корея билан алоқаларни яхшилаш эканлигини таъкидлаган.***

### Ироқ бўйича икки ҳужжат

***БМТ ХК га Ироқни қуролсизлантириш бўйича бирбирига зид иккита таклиф киритилди, деб хабар беради «News. ру»***

***АҚШ, Буюк Британия ва Испания томонидан тайёрланган резолюция лойиҳасида Ироқни қуролсизланиш бўйича мажбуриятларини бажармаётганликда айблаб, Бағдодга ҳарбий зарбалар бериш зарурлиги таъкидланган. Германия, Франция ва Россия эса Ироқдаги инспекция режимини мустаҳкамлаш ҳақида меморандум тайёрлаган. Уларнинг фикрича, ҳозир БМТ ХКнинг Ироқ бўйича янги (иккинчи) резолюциясини қабул қилишига ҳожат йўқ.***

### Тўлқинлар оёқ кийим келтирмоқда



***Океан тўлқини Шимолий Американинг ғарбий қирғоқларига — минглаб жуфт «Nike» фирмасининг кроссовкаларини чиқариб ташламоқда, деб хабар беради «Ассошейтед Пресс» мухбири.***

***Бунга ўтган йилнинг 15 декабрь куни Шимолий Калифорния ҳудудида юк кемадан ҳар бирида 5500 жуфт «Nike» фирмасининг спорт оёқ кийими бўлган учта контейнернинг сувга тушиб кетганлиги сабаб бўлди. Океанолог, доктор Кертис Эббесмейернинг айтишича, ойлар давомида сузаётган 16 минг жуфт оёқ кийимининг барчаси кийишга яроқли.***

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**манфаатдор фирмаларни касса техникаси учун қуйидаги эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича танловда қатнашишга таклиф этади:**

- ***BRANDT-8643 (De La Rue 8643), TELLAC-8 русумли валюта ҳисоблагичлари;***
- ***KOBELL-950 русумли танга ҳисоблагичлари;***
- ***MULTIVAC A200/15 русумли вакуумли ўраб-боғлагичлар;***
- ***COM JD-240 русумли бандероль машиналари.***

*Буюртмалар мазкур эълон чиққан вақтдан бошлаб, 5 кун давомида қабул қилинади. Бунда компания (фирма) машина-ускуналарни улгуржи тарзда етказиб бериш учун ваколатга эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатиши шарт.*

**Алоқа қилиш учун шахс: Суханов Вячеслав Михайлович.**
**Телефон: +998(71) 137-59-35, факс: 137-62-68.**

6867/276



ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА!

GSM

SMS ЯНГИ ХИЗМАТИ 6223





РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИ БЎЙИЧА ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ ЭНДИ ОЛМАЛИҚ АНГРЕН ШАҲАРЛАРИДА!

"ПРЕСТИЖ" РЕЖАСИ 99.0 $ ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ

SMS ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VMS ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

GSM
ТОШКЕНТ
САМАРҚАНД
УРГУТ
КАТТАҚЎРҒОН
УРГАНЧ
НУКУС
ХИВА
ЧИРЧИҚ
ЧОРБОҒ
ЧИМЁН
БЕЛДЕРСОЙ
БУХОРО
ВОБКЕНТ
ҒИЖДУВОН
ЯНГИЙЎЛ
ОЛМАЛИҚ
АНГРЕН

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган), 2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

UZDUNROBITA first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").

www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

